

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан
чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шarti билан “нол” харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очик танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қўйидаги давлат активлари қўйилади.

16.12.2016 й.

№	№	Объект номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Қарор	Мажбуриятлар			
						Объектга киритиладиган инвестициянинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Объект негизида ташкил этиладиган фаолият йўналиши	Инвестициянинг бажариш муддати (йил)	Объектда яратиладиган янги иш ўринлари сони (дона)
Ангрен шаҳар									
1	1	18-сонли мактаб филиалининг фойдаланилмаётган устакана биноси	Ангрен шаҳар, Янгиобод қўрғони, Кончи кўчаси	18-сонли умум таълим мактаби	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	350,0	-	2 йил	50
2	2	"Узшахтастрой" АЖнинг учта ётоқхона биноси*	Ангрен шаҳар, 5/2-даҳа	Ҳокимият	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	3 500,0	турар-жой	3 йил	-
Олмалиқ шаҳар									
3	1	"Шаркий Ўзбекистон" корхонасининг фойдаланилмаётган лаборатория биноси	Олмалиқ шаҳар, "ГРЭ" маҳалласи	"Шаркий Ўзбекистон" ДК	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	700,0		2 йил	40
4	2	"Шаркий Ўзбекистон" корхонасининг фойдаланилмаётган маъмурий биноси	Олмалиқ шаҳар, "ГРЭ" маҳалласи	"Шаркий Ўзбекистон" ДК	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	600,0		1,5 йил	25
5	3	Олмалиқ шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг ётоқхонаси бино ва иншоотлари***	Олмалиқ шаҳри, Китве кўчаси, 9Б-уй	Олмалиқ шаҳар ҳокимияти	ВМ-154 31.05.2012й. (4-илова)	150,0	турар-жой	2 йил	-

6	4	Собиқ ётоқхона биноси***	Олмалик шаҳри, Чамбил ҚФЙ	Ҳокимият	ВМ-154 31.05.2012й. (4-илова)	200,0	турар-жой	2 йил	-
Бекабад шаҳар									
7	1	Енгил саноат коллежининг бўш турган 2-сонли ўқув биноси ва қурилиши тугалланмаган 1-сонли амалиёт биноси	Бекабад шаҳар, саноат худуди	Ҳокимият	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	500,0	-	2 йил	50
8	2	Енгил саноат коллежининг бўш турган 3-сонли ўқув биноси, қурилиши тугалланмаган 2-сонли амалиёт биноси ва қозонхона биноси	Бекабад шаҳар, саноат худуди	Ҳокимият	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	400,0	-	2 йил	40
Оҳангарон тумани									
9	1	2-каватли бўш турган бино	Оҳангарон тумани, Эйвалек қўрғони, Ғарбий кўчаси, 44	Оҳангарон тумани ҳокимияти	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	200,0	-	2 йил	20
10	2	“Ангрен” ширкат хўжалигининг бўш турган 3-сонли омборхонаси	Оҳангарон тумани, “Увак” МФЙ,	Оҳангарон туман ҳокимлиги	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	500,0	-	2 йил	30
11	3	Ётоқхона бино ва иншоотлари	Оҳангарон тумани, 2-кичик даҳа	Ҳокимият	ВМ-154 31.05.2012й. (4-илова)	200,0	турар-жой	2 йил	-
Оққўрғон тумани									
12	1	90 кишига мўлжалланган қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси	Оққўрғон тумани, Айтмақала ҚФЙ, А.Навоний кўчаси	Ҳокимият	ВМ-154 31.05.2012й. (4-илова)	100,0	турар-жой	2 йил	-

13	2	140-ўринга мўлжалланган қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси	Оққўрғон тумани, Элтамқала ҚФЙ, (Конка ширкат хўжалиги)	Ҳокимият	ВМ-154 31.05.2012й. (4-илова)	100,0	турар-жой	2 йил	-
Бекобод тумани									
14	1	Эски ФАП-1 биноси	Бекобод тумани, "Жумабозор" ҚФЙ	"Хамза" ҚВП	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	25,0	-	1,5 йил	5
15	2	Мактабгача таълим муассасининг фойдаланилмаётган биноси	Бекобод тумани, "Янги ҳаёт" ҚФЙ	Бекобод тумани халқ таълими бўлими	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	800,0		3 йил	25
16	3	Фойдаланилмаётган бино (эски дўкон биноси)	Бекобод тумани, "Чанок" ҚФЙ, "Қорақўйли" МФЙ	Бекобод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	1 000,0	-	2 йил	20
Бўка тумани									
17	1	Қурилиши тугалланмаган бино	Бўка тумани, "Ачамайли" ф/у, Даштобод МФЙ	Ҳокимият	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	275,0	-	2 йил	40
18	2	Бўш турган маҳалла биноси	Бўка тумани, "Ровот" ҚФЙ, "Мустақил Ўзбекистан" ф/у	Ҳокимият	ПҚ- 200012.07.201 3й.(7-илова)	20,0	-	1 йил	5
19	3	Бўш турган маҳалла биноси	Бўка тумани, "Ровот" ҚФЙ, "Мустақил Ўзбекистан" ф/у	Ҳокимият	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	40,0	-	1 йил	10
20	4	Бўш турган маҳалла биноси	Бўка тумани, "Ровот" ҚФЙ, "Ровот" ф/у	Ҳокимият	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	30,0	-	1 йил	5

21	5	Собиқ “Мевазор” ФАП биноси	Бўка тумани, "Кўк орол" ҚФЙ	Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	50,0	-	1 йил	15
22	6	Бўш турган нотурар-жой биноси	Бўка тумани, "Қорақуйли" ҚФЙ, "Даштобод" МФЙ	Ҳокимият	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	40,0	-	1 йил	10
23	7	Нотурар бино	Бўка тумани, "Гулистон" ҚФЙ,	Ҳокимият	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	350,0	-	1,5 йил	30
Қуйичирчиқ тумани									
24	1	48-сонли мактабнинг собиқ бўш турган ўқув биноси**	Қуйичирчиқ тумани, “Истиклол” ҚФЙ, Маърифат кўчаси	туман Халқ таълими бўлими	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	375,0	-	2 йил	60
25	2	Собиқ боғча биноси	Қуйичирчиқ тумани, “Тошовул” ҚФЙ, Отажонов ф.х.у	туман Халқ таълими бўлими	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	300,0	-	2 йил	30
26	3	13-сон мактабга қарашли болалар боғчаси бино ва иншоотлари	Қуйи-Чирчиқ тумани, Қўрғонча маҳалласи	Ҳокимият	ВМ-154 31.05.2012й. (4-илова)	150,0	турар-жой	1,5 йил	-
27	4	Фойдаланилмаётган мактаб биноси	Қуйичирчиқ тумани, "Қўрғонча" ҚФЙ	Қуйичирчиқ тумани халқ таълими бўлими	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	200,0	-	1,5 йил	5
28	5	Ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг бино ва иншоотлари	Қуйичирчиқ тумани, "Гул" ҚФЙ "Гул" МФЙ	Ҳокимият	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	200,0	-	1,5 йил	10

29	6	Собиқ болалар боғча бино ва иншоотлари	Куйичирчик туман, "Ўзбекистон беш йиллиги" ҚФЙ, Бирлик маҳалласи	Куйичирчик тумани халқ таълими бўлими	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	275,0	-	1,5 йил	15
Чиноз тумани									
31	1	8-сонли мактабнинг бўш турган биноси	Чиноз тумани, "Яллама" ҚФЙ	Чиноз тумани Халқ таълими бўлими	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	400,0	-	2 йил	12
31	2	Янгиобод идора биноси	Чиноз тумани, "Янгиобод" ҚФЙ	Ҳокимият	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	100,0	-	2 йил	15
Янгийўл тумани									
32	1	Маъмурий бино ва иншоотлар	Янгийўл тумани, "Гулбахор" ҚФЙ, Ш.Рашидов	Янгийўл тумани ободонлаштириш бўлими	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	1 200,0	-	2 йил	35
33	2	Фойдаланилмаётган собиқ болалар боғчаси биноси	Янгийўл тумани, Бўз сув ҚФЙ	"Умид" МЧЖнинг ижтимоий соҳа объекти	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	100,0	-	1,5 йил	10
Пискент тумани									
34	1	"Тугатилган ПМК-3нинг фойдаланилмаётган биноси"	Пискент тумани, "Ойбек" маҳалласи худудида жойлашган	Пискент тумани ҳокимлиги	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	350,0	-	1,5 йил	20

Инвестиция киритиш мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 йил давомида сақланади.

Инвестиция киритиш шарт билан "нол" харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектининг 60 фоиздан кам бўлмаган ҳудуди (бино ва иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари ҳар хафтанинг чоршанба кунларида Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида очилади.

Танловда қатнашиш учун муҳрлаб қўйилган таклифлар олиш танлов бўлиб ўтадиган кундан икки иш куни олдин тўхтатилади.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали худудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртманом тақдим этади:

танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза;

нодавлат юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсис ҳужжатларининг нусхаси ҳамда ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

икки нусхадаги муҳрланган конвертга солинган танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифи, унда қуйидагилар бўлиши керак:

бизнес-режани бажариш, асбоб-ускуналар етказиб бериш (назарда тутилган бўлса) муддатлари, ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулот турлари ёхуд кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг рақобатбардошлилиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара кўрсатилган бизнес-режа, шу жумладан инвестиция киритиш режаси;

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг тури, муддати ва уларни бажариш, шу жумладан давлат мулки объектини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик жиҳатидан фойдаланиш шартлари;

талабгорнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодирлигини ва (ёки) тегишли тармоқда илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-29-77.

Факс: (0-371) 268-29-44. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.toshvil.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Тошкент вилояти рақобат бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонларига шунингдек Тошкент вилояти ҳокимлигининг (0-371) 232-80-25 телефон рақамларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!